

БАХТИМИЗГА СОҒУ ОМОН БЎЛИНГ, ОТАХОНЛАР, ОНАХОНЛАР!



ОШИБУ
СОҒУДА

**Эркак
оиланинг
қўрғони** 2

**Белингда
белбоғинг
борми?** 3

**Тўғри
йўлни
излайман** 4

**Ит
итлигини
қилади** 5

**Шакарнинг
ози ширин** 6

**Ҳаёт
давом
этар...** 7

**Дунёда бор
экан
муҳаббат...** 8

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани «Ибн-Сино» маҳалласида истиқомат қилувчи ҳозирда 78 ёшни қарши олаётган Ҳамидулла Мулла Пулат ўғли ва 75 ёшли Соҳиба ая оиласида 7 фарзанд (5 қиз, 2 ўғил) ўсиб камолга етди. Улар бош бўлган хонадон маҳаллада энг ибратли оила сифатида эъзозланади. Ҳамидулла ота 50 йил пойтахтимиздаги 24-урта мактабда ўқитувчи ва илмий бўлим мудури бўлиб ишлаганлар. «Республикада хизмат курсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор. Инсон ҳозир нафақада бўлишларига қарамай жамоатчи мухбир сифатида рузномаларда, жумладан «Оила ва жамият» саҳифаларида ҳам ахлоқ-одобга оид ўз мақолаларини мунтазам чоп эттириб келади. Бундан ташқари 50 йилдан ортиқ даврда курган-кечирганларини қаламга олиб «Хотиралар тўплами»ни ҳам бунёд этмоқдалар.

Соҳиба ая ҳам нафақада бўлишларига қарамай ҳамиша нима иш биландир машғул, тиниб-тинчимайдилар. Фарзандлар, невараларга меҳрибон она, буви, қайнона. Бу катта, аҳил хонадоннинг тинчлиги, хотир-жамлиги, фаровонлиги ана шу икки табарруқ инсоннинг меҳру саховатидан нур, қувват олган десак муболага бўлмас.

Дийдорлашув-чиройли, маънили меҳмондорчилик халқимиз табиатида хос хислатлардан биридир. Ҳамидулла ота ва Соҳиба ая хонадони ҳамиша хешу ақрабодлар, дўсту ёрлар ташрифидан мунаввардир.

Мана эшик кўнгираги чалиниб ота ва ая дийдорини соғиниб хонадонга азиз меҳмон кириб келди. Кенжа неваралар келинлари экан!

Фотомухбиримиз Миробид Мирсодиқов уларни ана шу бахтиёр лаҳзаларда суратга туширди.

Свидмурод САИДАҲМАД



ЭРКАК ОИЛАНИНГ ҚЎРҒОНИ

(Шоира Турсуной СОДИҚОВА билан суҳбат)

асрасин, асрасин — дид курлиги, юрак карлиги, завку шавқнинг улишидан асрасин! Атрофга нафи тегмайдиган мисри соғдан, ҳаётни севадиган, ҳеч йўқ яхши дуолар берадиган битта бемор чандон афзалдир.

— Сизнингча «қисмат» тушунчаси нима?

— Ҳар кимнинг қисмати яратганингиз узидан деб жавобни чурт кесиш ҳам мумкин. Аммо бу тамошо ҳаётни кузатар экансан, унинг турфа таъмини гоҳ йиғлаб, гоҳ қунаб тотар экансан, нима учун ҳаммага ҳар хил қисмат бўйрилишини тушунгинг, таҳлил қилгинг ва савоб йўлида ортингдан қолдиганларингизга уқдириб кетгинг келиб қоларкан.

Ҳаёт-ку ўзи «эканнингни оласан», «қилмиш қидирмиш» деган шартларини тинмай руқач қилиб туради. Биз эса уни хоҳлик билан четга суриб, ҳаттолар содир этаверамиз: яширин ёлгон гапириб қуямиз, мақтаниб қуямиз, дилдорликка, гийбатга, ҳаром лўқма ва нопок йўлга юз тутамиз ва бу билан узимизга қулфат чорлаймиз. Биз нафс туфайли шундай бўлдик. Гийбат, ҳиёнат, ёлгон — емак-ичмак нафси, мулку давлат, шуҳрату мартаба нафсидир, шавҳоният нафсидир.

Ҳоҳида бирор қадроннинг йўлиққан қайғусига ўта ачиниб, жон ҳалак қилсам, онам мени қаттиқ қойир, «қулингдан келган яхшилигини қил, аммо бунақа татиб кетма, унга худонинг раҳми келсин» дердилар.

Қисмат ноқис келдими, дарҳол узимни тафтиш қилай: мен ё уз хатоим, ё ота-онамнинг қайсидир хатоси учун жавоб бераман экан.

Сендан хоҳ жонлик, хоҳ жонсиз нарсга зийн етдимми, жазо қутавер. Бировга безарар тарзда, ўзингни билиб-гина яшаш ҳам кифо эмас. Ўзингдан

ги жами афзаллики бошқага ҳам юқтиришга уриниб, ўзингни қандай эҳтиёт қилсанг, атрофга ҳам шундай бағдардон булсанггина завол курмас экансан.

Ўйингдаги исрофгарчилик, тутумингдаги нопоклик, сув қўймаганинг учун қуриётган ана бу дарахт, экин эксанг боғ бўлиши мумкин бўлган, сендаги гафлат туфайли ахлатхонага айланиб, йиғлаб ётган довлинг, кучанг ё чорбоғинг, сендан ҳурмат курмаган аёлинг, ёйинки эркагинг, сени туғиб, сенинг озорларинг ичра тузиб бораётган онанг, сендан етарли оталик ё оналик меҳрини ололмагган бағрингдаги боланг, ёки кунингиз, умрингга яраб, озуқа бўлиб турган неъматлар, имконлар учун шуқрона айтмаслигинг, қувонмаслигинг... бари, бари қисматингни қандай бўлишини белгилайдиган омиллари. Пешонадагини Аллоҳдан эмас, ўзингдан кўр экан...

— Ўзбек эркаклари раҳмингиз келадими?

— Нера бундай газакли савол беряксиз?

Аёллар ундок бўлиб кетди, аёллар бундок бўлиб кетди, нечукким, эрларни босиб ўта бошлади маъносидами?

Мухбир укам, эркагу аёлдаги бугунги сакталиклари шуронинг асорати деб узимизни юпатиб турибмиз. Аслимиз тоза, иншооллох, қаторда асил йигитларимиз йўқ эмас деб, ҳаминқадар узимизни юпатиб турибмиз. Аммо андишани йиғштириб айтай: аёлга юз хил талабномалар қўйлади ва ҳар сафар синчковлик билан фалон банди бажарилмади, деб писанда қилинади. Аёл ишлаб келади, аёл туғади, аёл бола тарбиялайди, аёл уйда хизматкор. Хизматки, нон ёпиш, овқат қилиш, кир ювиш, касал боқиш, молга қараш, сунпур-сидир, дазмол ва минг ҳоказо! Шунча меҳнат — азиятнинг устига

ДИЙДОР

«аёлмисан, шу вазифанг, улгуришинг шарт», деб туриш худобехабарлик эмасми?!

Агар аёл бугун эридан бир қадам илгариллаб кетган бўлса, бу бугунги эркакнинг беҳунарилиги, шудсизлиги ёки ориятининг суст кетганидир.

Эркак оиланинг қўргони, ҳам моддий, ҳам маънавий устуни, қуриқчи-сидир. Шариатда ҳам, дуневий тарозда ҳам шундай белгиланган.

Хўш, бугунги эркак ўз бурчини уйдаяптими? Нера аёллар бозорда? Нера аёллар қурилиш ашёлари ташийди? Идораларда юмуш билан югуриб иш битираётганлар — аёл. Сиз қансиз эркаклар? Аёлингиз пул топиб, қозон қайнатса, соғ бўла туриб, ориятингиз оғирмай, уни қандай ҳазм қиласиз?

Қўлингизга пул тушса, уфатчилик қиласиз, машина олиб минасиз, сизнинг рузгорингиз заҳматидан озиб-тўзиб кетган аёлингиздан кўнгли совишларни айтмайсизми! Иккинчи ўчинчисига қараб оғиб ҳам кетасиз! Уятни ҳам унутасиз-да, мусулмончиликни пеш қиласиз.

Аммо аёлингиз яхшиси ҳам, ҳатто сизу биз ёмон курган ёмони ҳам топганини чумолидай уйига ташийди, рузгори чаплайди. Қани айтинг-чи, ким номардкор?

Азизим, пулингиз йўқ бўлса, қўлингиз билан, тилингиз билан муруват қилинг, муомалангиз парварши урнида бўлсин. Бойиб кетсангиз, машина олмасангиз олманг, аммо аёлингиз тузга зорикмасин. Рузгордаги оғир юмушларга ҳақ тулаб Ҳаширчи елланг. Болаларингизга илми тарбиячи чорланг. Соғлигини асранг унинг, ютазмайсиз. Аялган аёл эркакнинг захирадаги бойлигидир. Эркак аёл миллатнинг афзаллашувидир.

Раҳм бугунлик кунда эркакка эмас, аёлларга муҳимдир. Мухбир укам!

Суҳбатдош Мухтор БЕК.

КЕПАЖАК — БОЛАЛАР ҚЎЛИДА

Истиқболи порлоқ давлатнинг тақдири ҳам бевосита болалар билан боғлиқ. Шундай экан, ҳаётимиз, барча эзгу-ниятларимиз давомчилари саналган болаларни билимли, маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифасидир. Айни пайтда ҳукумат сиёсати даражасида қаралаётган бу масаланинг назарий-ҳуқуқий пойдевори яратилган. Эндиги мақсад уни мустаҳкамлаш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Маълумки, республикамызда «Соғлом авлод учун» давлат дастури ишлаб чиқилиб барча сайи-ҳаракатлар ягона шу мақсад сари йўналтирилган. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий давлат барпо этиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида ҳам умумжаҳон миқёсида эътироф этилган ҳуқуқий тамоиллар ва меъёрларга таянган ҳолда энг аввало болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси билан Буюк Британиянинг «Болаларни қўтқаринг» фонди ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренинг ҳам мазмун-моҳияти жиҳатдан айнан ана шу мақсадга қаратилди.

Икки кун давом этган семинар-тренинг иштирокчилари — Республика Болалар жамғармасининг вилоят бўлиmlари масъул ходимлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари Буюк Британиялик ҳамкорлар томонидан тайёрланган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид махсус дастур билан танишдилар. Шунингдек анжуманда Болалар жамғармаси раиси И. Юсупованинг «Болалар ҳуқуқлари Конвенсияси» тўғрисидаги маърузаси ҳам тингланди.

Н. Аннаева

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШИРИЛСИН

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг V-Пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг Республика Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлиси XII-сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда мамлакат хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб бораётган ишларини ривожлантириш вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Бош вазирининг уринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гуломов ва нутқ сўзлади.

Мунозараларда «Адолат» партияси раиси, ТошМИ ректори Т. Даминов, Қашқадарё вилоят ҳокими уринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси К. Исмоилова, Андижон вилояти Олтинкул тумани «Намуна» жамоа ҳўжалиги бригад бошлиғи С. Абдуллаева, Тошкент шаҳар ҳоким уринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, Ўрта Чирчиқ тумани «Ўрта Сарой» деҳқон ҳўжалиғи раиси М. Ҳолиқова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Йиғилиш қатнашчилари бугунги кун ташвиш-қувончлари ҳақида фикр билдиришаркан, Президентимиз томонидан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинишидан гоётада мамнун ва миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси Пленумида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси уринбосари Буритов Шодиева иштирок этди ва сўзга чиқди.

М. ИБРАГИМОВА

АЗАЛИЙ ДУСТЛИК РИШТАЛАРИ

Маълумки, шу йил 17—18 декабр кунлари Молдова Республикаси Президентининг мамла-

катимизга расмий ташрифи қўтилмоқда. Молдова ҳам Ўзбекистон сингари том маънода собиқ Иттифок таркагандан кейин мустақил давлат мақомига эга бўлди. Келгуси йилда бу давлат уз истиқлолининг беш йиллигини нишонлайди. Молдова билан Ўзбекистон ўртасида азалий дўстлик ва қардошлиқ ришталари мавжуд. Ҳар икки мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий муносабатлари, иқтисодий-маданий алоқалари мустақиллик шарофатида янада юксак пағонага кўтарилмоқда.

Қуни-кеча Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот брифинги Молдова Республикаси Президентининг мамлакатимизга буладиган расмий ташрифига бағишланди.

Матбуот брифингда Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Николас Осмокеску ушбу расмий ташрифнинг аҳамияти ва унда кузланган мақсадлар ҳақида қисқача гапириб берди. Шунингдек, элчи жаноблари журналистларнинг икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликларга оид қўллаб-қувватлашга алоқасида жавоб қайтарди.

М. Сулаймонов



1998 — ОИЛА ЙИЛИ

ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Бу оилага маҳаллада ҳамма ҳавас қилади. Оиланинг падари бузруквори эл меҳрида, оила ардоғида яшаб ўтган Боситхон ота қирқ йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган. Боситхон ота Турсунов нафақага чиққач ҳам тиниб-тинчимеган. Тошкентнинг қадимий гушаларидан бўлган «Катта қозиробод» маҳалласи фаолларидан эди. Оралари бузилиб, сочилиб кетай-кетай деб турган оилаларни тиклади. «Етим қанча кам бўлса, олам шунча гўзал!» — дегувчи эдилар ҳар доим ота-хон. Бирон боланинг ҳам тирик етим бўлмаслиги учун жой куйдирардилар.

«Улгандан қолган яхши», — деган нақл бор элимизда. Боситхон отанинг фарзандлари ҳам уларнинг узларига ухшаш одамшаванда чиққан. Улардан бири — Шўхрат Турсунов маҳалламизда истискоқ қилдиладилар — оталари чирогини ёқиб утирибдилар. Шўхрат Турсунов ҳақида суз кетиш қариялар: «Отасининг боласи», дейишади. Ҳа, Шўхратхон худди оталари сингари қўлларидан келган яхшиликни ҳеч қимдан аямайдиган инсон. Шўхратхон шифокор, уларнинг рафиқалари Шойраҳон ҳам шифокор. Шўхратхон Турсунов Республика педиатрия институти

клиникасининг бош враччи. Шойраҳон эса айни маҳалламиз ҳудудидан жойлашган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи клиник шифокори. Эрхотин иш жойида ҳам, маҳаллада ҳам обрў-эътиборли инсонлардир. Уттиз икки йил бира умргузаронлик қилиб турт қиз ва бир ўғил ўстиришди, неваралари ҳам етилиб келяпти.

Фарзандлари ҳам ота-она касбини танлашди. Тўнгич қизлари Фаридахон ҳам. Шўҳидахон билан Умидахон ҳам шифокор. Бу ниятга етишмоқ осон кечмаган албатта. Кенжа қизлари Хурридахон ҳам шифокор бўлишни орзу қилди ва Тошкент Та-



бобат институти ҳузурида тахсил олаётир. Демак, бир оилада етти шифокор — қаттагина шифокорлар сулоласи етишиб чиқаётир.

Бўтун маҳалладошлар улардан хурсанд. Боситхон ота билан Латофат онанинг чироқлари ёниқ.

Холида АХРОРОВА

Яхшилардан суз очдик

САДАҒАНГ КЕТАЙ, ЯХШИЛАР!

Яқинда ҳаётимда оғир жудолик кўрдим. Яккаю ёлғиз фарзандим Александр Дробахани бевақт улим орамиздан олиб кетди. Узим татар қизи булсам-да, тақдир тақозоси билан эллик йилдан бери меҳр-оқибатли саҳоватпеша ўзбеклар орасида яшаб келаётиман. Шу тўғрисида ёлғизланиб қолмадим. «Каттақурғон тонги» газетаси ходимлари Каримжон Соатов ҳамда Саломат Ҳаққуловалар оғир қўнларимда мадад бўлишди. Улимнинг дафн маросимларини ўтказиб беришди, рўзгоримдан, бор-йўғимдан хабар олиб туришади. улар билан она-болодек бўлиб кетдик. Мана, ҳозир 82 ёшга кирдим. Бу икки ёш юз билан юзлашиб юрсин. Бахтини тўқис қилиб яратгани рост бўлсин. Олган дуолари олтин бўлиб қайтсин. Булар каби оқибатли ёшлардан биз ёлғиз қариялар жуда миннатдоримиз.

Камилия ДРОБАХА

Арзи ҳол

БЕЛИНГДА БЕЛБОҒИНГ БОРМИ?

Поп туманидаги Олтинқон шаҳарчасида яшовчи Саодат Эркабоевадан таҳририятимизга хат келди. Бир варақ оқ қоғоздан ошар-ошмас ҳажмдаги ёзув машинкасида ёзилган мактубни бош кутармасдан ўқиб чиқарканман, муштипар аёлнинг дардига шерик бўлдим. Уз навбатида унинг турмуш ўртоғига нафратим тулиб тошди. Гапнинг пуск қалласини айтсам, белида белбоғи бор эркак бу ишни қилмайди. Зотан, эркакнинг иши фақат мардликдир. Афсуски, энди бу йўсинда мулоҳаза юриштишдан фойда йўқ. Сабаби, булар иш бўлиб, бўғи синди. От жар ёқасига борганда жиловини тортгандан не фойда? Барибир жарга қулаши аниқ Бузилган бу оиладан брўг оламда ёдгорлик бўлиб икки нафар тирик етим қолди. — 1987 йилда эр-хотин уз қучимиз билан уй-жой қуришга киришдик. — дейилади изтиробли мактубда. — Отам Юсупжон Эркабоев бизга қурилиш материалларидан ердан берди. Янги иморатни тиклашда менинг ҳам ҳиссам қатта, турмуш ўртоғим билан елкама-елка туриб меҳнат қилганман.

Ҳейнчалик тўғрироғи, 1996 йилдан бошлаб эрим ичкиликка рух қўйди. Уйга маст-аласт ҳолда келиб, мени бекордан бекорга ҳақоратлайдиган ва урадиган бўлиб қолди. Оилани сақлаш учун қилган барча ҳаракатларим беҳуда кетди. Ниҳоят, ноилоҳ отамнинг уйига кетишга мажбур бўлдим. У эса бошқа аёлга уйланиб олди.

Шундан сўнг Саодат Эркабоева никоҳ давомида қурилган уйдан ҳақи борлигини талаб қилиб, Поп тумани судига даъво аризаси билан мурожаат этади. Суд мазкур фуқаролик ишини урганиб даъвогарни уйга қиритиб қўйиш тўғрисида ҳал қилувчи қарор чиқаради. Лекин суднинг шу йил 31 март кўни чиқарган ажрим қарорини ижро этиш суд ижросиси М. Аҳмадалиев томонидан салкам бир ярим ой асоссиз равишда пайсалга солиб келинади.

— Олтинқондан Полга қатнайвериб бор-бўдимдан ажрадим. Чунки йўл кира ҳақи бир тарафга 114 сум. Март ойидан бун қўлимда ёш болам билан ҳар ҳафтада азоб тортиб Полга қатнайман. Туман суди раиси Қ. Қанаев ҳузурига уч марта арз қилиб бордим. Натижа бўлмади. Суд ижросиси М. Аҳмадалиев ёлгон ваъдалари билан мени зериктирди, — деб ёзади хат муаллифи.

Ниҳоят 12 май кўни даъвогарнинг талаби қондириладиган, уни жавобгар А. Норалиевнинг отасини номидаги уй-жойга қиритиб қўйиладиган бўлди. Бироқ, даъвогар алоҳида йўл ажратиб берилишини сураб уйга қиритилган бош тортди. Натижада ижро бошқа кўнга қолдирилади.

Бу орада А. Норалиев отаси ва оғайинлари кўмағида янги солган иморатни бузиб ташлайди. Даъвогарнинг талабини қондирмаслик ёки унинг ҳақдорлигини тан олмаслик мақсадида атайин қилинган бундай ўзбошимчаликни қўпчилиқ қоралаш турсан гап. Чунки аҳмоқ одам уй бузади, ақлли одам уй тузади.

Шу тариқа ажрим қарори иккинчи марта ҳам ижро этилмасдан қоғозда қолиб кетади. Даъвогар ва унинг болалари қиритиб қўйилиш лозим бўлган уй-жойнинг бузиб ташлангани бунга асосий сабаб қилиб қўрсатилади. Ва ниҳоят жорий йилнинг 7 октябрь кўни ушбу қарорни ижросини тазминлаш мақсадида учинчи марта ҳаракат қилинди. Лекин бу сафар ҳам даъвогарнинг талаби қондирилмади. Сабаби жавобгар номида бошқа уй-жой йўқлиги маълум бўлди.

— Шундан кейин сабр-қосам тулиб Наманган вилояти ҳокимлиги адлия бошқармасига арз қилдим, — дейди С. Эркабоева. — У ердан берилган жавоб ҳаттини олиб, 27 октябрь кўни туман судьяси Х. Тожибоевга ўрашдим. Орадан ун уч кун ўтгач, 9 ноябрь кўни яна бордим. Ушанда судья «Сиз кетаверинг, ўзим ёзма равишда хабар бераман», — деб айтганди. Шунга ҳам бир ойдан ошди. Лекин ҳали ханузгача ҳеч қандай натижа йўқ.

Ҳозир қиллик уймада турибман. Отам оддий ишчи одам. Оиласида ун жон бор. Узининг рўзгорини зўрга юртзаётган отамга икки нафар болам билан боқиманда бўлиб утирибман.

Жабрдийда фуқаро С. Эркабоева мактуби сўнггида йил буйи пайсалга солиб келинаётган уй-жой масаласини ижобий ҳал этишда таҳриратий ёрдамга муҳтож эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Хотиржам бўлаверинг. Бу хат энди таҳриратийнинг доимий назоратида туради. Унинг ижросини таъминлашни ҳам ўз зиммасига оламиз. Ҳар ҳолда Поп тумани суди чиқарган ажрим қарорини ижроси каби сассиқ инақдек қўзиб юрмасак керак-ов! Яна ким билсин.

Комил ТОШМИРЗАЕВ



Хотиржам утириб чой ичишга не етсин...

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ПАШША ТУШДИ

«Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайдик», — деганлари рост экан. Божхона масканига келганда Қирғизистон фуқароси Ольга Фахриддинованинг игнадек оёқларига титроқ кирди. Чунки Республикамиздан яширин ҳолатда олиб чиқиб кетаётган 154200 сумлик «маргарин», 224 литр татмаг пастаси ва юз килограмм «қуюқ сўт» маҳсулоти унга қарашли эди-да.

Энди Олғанинг «оши»га пашша тушгани етмагандек, бошига ҳарҳаша ортмаса гўргайди.

НАФС БАНДАСИ

Одобнома дарсида ўқитувчи ўқувчиларга шундай бир савол билан мурожаат қилди:

— Нима сабабдан балиқ қармоққа илинади?

— Онгизлиги тўғрисида, — деб жавоб берди олдинги партада утирган бола қўл кўтариб.

— Йўқ, тополмадинг. Утир!

— Менимча, бу эҳтиёсизлик оқибати бўлса керак, — деди яна бир ўқувчи. Ўқитувчи бош ирғаб, «йўқ» ишорасини билдирди. Ниҳоят, учинчи ўқувчи тўғри жавобни айтди.

— Балиқнинг нафси қармоққа илинишига сабаб бўлди.

Қозғоғининг фуқароси Димитров билан Қолъовнинг 430560 сумлик вафлини яширин равишда юртимизга олиб ўтишга уриниши бунга мисол бўлади. Улар нафс қўйига тушмаганида бундай қилишмасди.

АРЗОННИНГ МОЛИ ТАТИМАС

«Митқубиси» русумли автоўлов ҳайдовчиси, қирғизистонлик Раҳматилла Жураевнинг уз юртига қуруқ қайтгиси келмади. Арзон нархда сотиб олган, жами 1265 килограмм гуштини машинага юклаб, йўлга қикди. Божхоначиларнинг қузини шамғалат қилиб олиб чиқиб кетганда борми, икки ҳисса ортиқ пулни топган бўларди. Афсуски... Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ. Гуштфуруш бир оз пуск ташласа ташлабди-да... Колаверса, арзоннинг моли татимас, деганларича бор экан.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Давлат қўмитаси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойда мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига ноқонуний чиқиб кетаётган 33 миллион сумлик озиқ-овқат ва 8 миллион сумлик шакар маҳсулотлари ушланиб қолинди.

«ВО, АЛАМЖОН...»

Ҳамюртимиз Сабоҳат Жураева 104900 сумлик акция маркази сигарета маҳсулотларини яширинча мамлакат ичкарига олиб қирмоқчи бўлди. Лекин, Бухоро вилояти 4-сонли божхона ходимлари бунга йўл қўйишмади. Энди С. Жураева божхоначиларга қарата «Во, аламжон» дея «қушиқ» қўйлапти.

К. ТОШ,
М. БЕК

ЎЗ ҲОЛИМИЗГА ҚЎЙИНГ

Одамлар бир-бирига таянч, бир-бирдан хабардор бўлиши керак, мазмундаги мақолаларимдан бири чоп этилган кунлар эди. Ишхонамга бир аёл келди, юз-қўзларида одамни уздан итарядиган кибр суwrати бор.

— Сиз ўзингизни ўзингиз рад қила оласизми? — деб суwradi у дабдурустан.

— Тушунмадим.

— Менга «одамлар, бизни ўз ҳолимизга қўйинг» деган мақола ёзиб берсангиз.

— Бу менинг нуқтаи назарим эмас.

— Сиз ҳаётда фақат ўз нуқтаи назарингиздан туриб эмас, бизнинг тарафда туриб ҳам ёзишингиз керак-ку!

Аёл мен билан астойдил баҳслашарди. Охири ўзимда уни кўрганда пайдо бўлган гашликни енгиб олдим, мулойим тингловчи қиёфасига кирдим.

УНИНГ ҲИКОЯСИ

Эрим билан Лайли-Махжунлигимиз аввал бошданок на менинг, на унинг — икковимизнинг ҳам уйимиздагиларга маъкул келди.

— Ўз билгич йигит, на салом, на алиқни билади, кўни келганда энасини танимайди, — дейишди амма-халларим у ҳақида.

— Елқасига фотоаппарат осиб, сочили ёйиб ўтган-кетганини суwrата олиб юради, шим кияди, тузукроқ келин чиқмайди бунақалардан, — дебди унинг эгачи-сингиллари.

Барибир биз қаттиқ туриб олдик. «Вой, шармандалар!» «Буганича бўлган экан» деган гап-сузларга парво қилмай туй қилдик.

— Хой келин, ўрисгина келин, ҳадеб шарақлашверманг, ҳеч йўқ, катта кучага рўмол ураб чиқинг.

«Вой, амакингиз туй қилади-ю, ишга боришми, дарров пешбандингизни тақиб, ўчоқ бошига бориңг, келин идиш ювмаса, ким ювади...» — Шунақа гап-сузлар уйимизда болалагандан болалади.

Менинг ота хонадонимда «Эрингнинг одамгарчилиги йўқ, иккита нонни қўлтига кисиб келишни билмайди. Фалончининг қўви ундай, писмандончининг қўви бундай» деган гаплар бот-бот такрорланарди.

...Охири биз уйимизни бўлаккладик. Яна тинчимиз бузилавергач, шаҳарга кучиб келдик. Икковимиз қолган лаҳзалар ҳаётимизнинг энг бахтли дамлари. Мен унинг опера овозида қузиб: «Хотин-жон, ош пишди-ми?» деган саволларини ҳам, уйда калта шим кийиб юришини ҳам табиий қабул қиламан. У ҳам менинг ярим тунда уйғониб: «Зерикиб кетдим, уйқум келмаяпти, келинг, ўйинга тушиб бераман» дейишларимдан ажабланмайди. Унинг, менинг уруғларимнинг болалари ўқишга келадиган бўлишди.

— Почча, нега сизнинг бирортаям уртоғингиз йўқ?

— Опа, нега поччамга ҳеч йўқ бирорта тилло узук олдирмайсиз?

Тинч яшаш учун уларни ётоқхона, ижара уйларига жойлаштирдик. Уруғларимизнинг купти тескари бўлиб қолишди. Ота-оналаримизга «Ундай фарзанднинг боридан йўғи» тарзида гап ташишди. Хуллас, қишлоқ билан орамизга совуқчилик оралади. Қўни-қўшиллар ҳам жимгина кириб-чиқмайди.

— Кенойи, нега жавонингизга идиш-товоқ қўймайсиз? Газета-журнал деганини ўқиб бўлиб ташлаб юборсам булада-ку, не қиласиз азиз этиб?

— Укажон, энди бундай тириш уят, сал-пал у ёқ-бу ёққа қаранг, эшикни уй, ремонт-пемонт дегандай...

Одамларга ҳамма нарса кизик экан, ҳадемай қўйлагимнинг этагига осила бошлашди:

— Фалончи дўхтирга ўзин

гизни курсатинг.

— Фалончи табибга борган аёл, албатта, тугаркан.

— Айб эрингиздадир, ўргилай, текширтиринг. Қовоғини солиб юриши гапат...

Биз кўча эшигини ёпиб, орқа тарафдан — одамлар қуздан чеккароқ жойдан ўзимизга йўл очдик. Ишонасизми, урига ухшаб кириб-чиққан пайтларимиз ҳам булди. Кошки эди, бизни биров кўрмаса, бизга ҳеч ким ҳеч нарса демаса, деб орзу қиламиз.

Аммо маслаҳатгуилар кўчада, ишхонада, дўхтирхонада — ҳамма-ҳамма жойда рупарамиздан чиқиб келаверишарди.

— Раз бола кўрмайдиган бўлса, қўйда, бошқасига уйлан, тирноқсиз утасанми дунёдан!

— Вой, айланай, бола асраб олинг. Етимнинг бошини силасангиз, худо ўзингизга бериб қолар...

Балки, биз дўхтирга боргандирмиз, балки, ўзимизча бир қарорга келгандирмиз. Ахир, нима бўлсаям ўзимизнинг гап-бўлбўлдан яшаймиз-ку. Ҳеч кимга оғирлигимиз тушмаса, нон тиланмасак... Бахтсизлиги бахтимиз ўзимизники-ку, одамларга нима, ахир?

Балки, бизнинг хатомиз купдир, нима бўлсаям, жабрини ўзимиз тортишга тайёриймиз-ку. Бизни ўз ҳолимизга қўйсинлар...

...Аёл гапираркан, йиғламади, бўғилмади ҳам. Аммо товушида заҳархонада бор эди.

Мен жим эшитдим.

— Сиздан ҳам аслида ҳеч нарса керакмас. Эҳтимол, ота-онани йўкламайдиган фарзанд ҳам фарзандми, ахир, сизларни не умидда ўстирган дерсиз?

Қўни-қўшилларсиз оролда яшагандай яшашда ҳамма борми деган гап ҳам тургандир тил учингизда?

Умуман, сизнинг ҳам нима ишингиз бор мен билан??!

Аёл чиқиб кетди. Қандай келган бўлса, шундай мағрур. Асабий «дўқ дўқ» қадмлари узоқ вақт эшитилиб турди қаридордан.

Гоҳ у тарафга ўтиб, тақдирига аралашган одамларни койидим.

Гоҳ ундан ранжидим. «Ҳаммадан ажралиб яшаб буларканми. Ҳаёт — ўзи шу-да», дедим.

...Аммо ҳеч кимдан ҳеч нарса керак бўлмаса, менинг олдимга нимага келди?

Хуллас, ўзим саволлар чорраҳасида қолдим ва воқеани қандай бўлса шундайлигича эътиборингизга ҳавола қилдим.

ҚУТЛИБЕКА



ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ИЗЛАЙМАН

Айтишларича Оллоҳ ўз севган бандасини турли синовлар билан синаб экан. Лекин мен Оллоҳнинг севган бандасини ёки унинг ғазабига учраган инсонманми, билмайман. Ёшим 24 да. Оилада 5 фарзандимиз. Ёнг қаттаси менман. Отам ҳам, онам ҳам ногиронлар. Ёшлигимдан қийинчилик билан катта бўлганман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда ёзги таътил кунлари ҳамма уртоқларим оромгоҳларда дам олишса, мен ишлар эдим. 11 синфни тамомлаганимда орзу-умидлар билан ҳужжатларимни ўқишга топширдим. Лекин афсус, ўқишга киролмадим. Қўпгина уртоқларим ўқишга кириб кетишди. Лекин мен мактабда аёло баҳоларга ўқишга қарамай киролмадим. Турли болаларга қўшилиб ғиёҳванд моддаларни истеъмол қила бошладим. Қўп вақт утмай уларга умуман боғланиб қолдим. Бир кун истеъмол қилмасам дузах азоблари бошланар эди. Кечалари ухлამасдан чиқар эдим. Ўзимни бошқара олмай қолардим. Қандай қилиб бўлса ҳам унинг давосини топиб, кейин тинчланардим. Лекин менинг давом учун пул керак эди. Турли йўллар билан пул топиб, дори олиб уларни истеъмол қилар эдим. Баъзан мен ота-онамнинг, укаларимнинг ризқини қийиб уйдан пул уғирлардим. Отажонимнинг менинг туйимга атаб йиғиб қўйган матоларини, ҳатто ёғ, гуруч ва бошқа нарсаларни чиқариб сотишгача борганман. Чўнки бошқа иложим бўлмаган. Отажонимнинг зор йиғлашлари, дадамнинг насиҳатлари, уртоқларимнинг бу юриш менга умуман тўғри келмаслигини айтишлари сира қор қилмас эди. Чўнки кеч бўлган эди. Дадам мени бир неча бор милиция хонасидан: «Бу менинг қатта уғлим, менинг суянчигим, боқувчим», — деб илтимос қилиб чиқариб олганлар. Қанийди мен боқувчи бўлсам, бирор марта уйда фойдам тегмаган, фақат зарар қилганман. Олган ойлигим уйга келмай қарзларга ва бошқа нарсаларга сарф бўлиб кетарди. Балки ушанда ҳарбий хизматга кетганимда умуман бошқа инсон бўлардим. Шўни уйлаб хизматга кетиш учун ариза ёздим. Лекин мени қабул қилишмади.

Ҳаётимнинг, уаттеган кўнларимнинг маъноси йўқ эди. Ёрталаб туриб чой ичишдан олдин ғиёҳванд модда истеъмол қилмасам бўлмасди. Чўнки иштаҳам бўлмасди, асабийлашиб қўлагилар билан уришар эдим. Шу тариқа 6 йил ўтди. Орада ота-онам мени қарз-ҳаволатишди. Бир ой Лекин озроқ вақт яна шу йўлга кириб менинг атрофимда...

ДИЛ ИЗҲОРИ

...мади. Ўша уртоқларим ёнимда эди. Менинг ҳаёт йўлим қизиқ қўйилган — мени қамқоқ кутмоқда эди. Шўни тушуңган дадам мени бу ерда қолдирамасликка ҳаракат қилди. У ўзининг уртоғига вазиятни тушунтириб, мени Тошкентга олиб кетишни илтимос қилди. У кишига катта раҳмат, чўнки менга ўз фарзандидай қарадилар. Шу ерда рўйхатдан ўтқиздилар. Биринчи келган кўнларим бир ҳафта мобайнида умуман ухлаганим йўқ. Кечалари сўяқларим, оёқларим оғриб йиғлаб чиқардим. Чўнки мен ҳеч қандай дори-дармонсиз, ўз иродам билан наshawандликни ташлашга қарор қилгандим. Бир ой мобайнида ўзимга келдим. Тулишиб танамга жон кирди. Энди ҳаётга бошқа қўз билан қарай бошладим. Тезроқ ишлаб ўз ота-онамга, укаларимга ёрдамим тегишини жуда хоҳлардим. Шу орада ўзимга ётоқхона топдим. Чўнки эркак бўлганлигим сабабли ўзимни синаб мустақил ҳаёт бошламоқчи эдим. Бошладим ҳам. Лекин бу ҳаёт қийинчиликлари куп экан. Қўнига 300-400 сум пул топаман. Бу пулни ётоқхона учун, ейишим-ичишим, кийинишим учун сарфлашам ва яна уйдагиларга ёрдам беришим керак. Лекин қандай қилиб?

Қўпгина идораларга бордим. Лекин маълумотим бўлмагани учун олишмаяпти.

Яқинда уйга бориб келдим. Кичкина укам бетоб, уни операция қилиш керак. Мен эса 6 ойдан буён ишлаб пул йиғолмаяпман. Ишлаганим ўзимдан ортамапти. Тошкентга қайтаётганимда дадам: «Ўғлим ҳамма умидимиз сендан», деганлари ҳеч ёдимдан кетмайди.

Лекин мен уларга қандай қилиб ёрдам берай? Гоҳида уйга қайтиб кетгим келади. Отажонимни жуда соғинаман.

Лекин бу ерда қолсам, ота-онамга фойдам тегмаса, касал укамни даволатишга пул топа оламасам нима қилай? Менинг ҳам ҳаётда орзу-умидларим бор эди.

Менга маслаҳат беринглар, нима қилсам ҳаётимни изга соламан, ота-онам, ёру-биродарларимнинг ишончини оқлаган бўламан.

ЭРГАШ, Тошкент.

ЗОРА, ОНАСИ МЕНИ ТУШУНСА...

Унинг онаси биз бирга ўқийдиган мактабда тил адабиётдан дарс бера эди. Бизнинг орамиздаги муҳаббатдан дарак топгач, бир кўни мени қақариб «Қизимни сенга бермайман, унинг бошини айлантирма», деди. Бу гап томоққа тиқилган сўякдай дилимга озор бера бошлади. Бу орада мактабни ҳам тамомладик. Ш. (қизнинг исми) ҳам мендан айниб қолди, тўғрироғи айништи қўйишди. Авваллари ҳар кўни бирга дарсга қатнардик. Энди эса бир-биримизга бегонадек бўлиб қолдик. Ш. уйдан кўчага чиқмас, мен эса оилаб кўнларимни унинг кўчасида ўтказадиган бўлдим. Ва нихоят, бир кўни кўчада тўнша келиб қолди-ю, икковимиз ҳам бир муддат ток ургандай қотиб қолдик. У аввалроқ ўзини унглаб, ўтиб кетишга чоғланди. Тўхтатдим. Ш. йиғлаб юборди-ю, дилини ёрди. Маълум бўлишича, онаси севиб турмуш қурган экан-у, бахти очилмабди. Қизчали бўлишига қарамай ажрашиб кетишга мажбур бўлибди. Онаси: — «Опанг севганига тегиб нима бўлди, энди сени ҳам бахтсиз бўлишингни хоҳламайман», — дебди.

Энди мен нима қилай, айтинглар! Бир номардни деб ҳамма йигитларни ёмон отликқа чиқариш инсофданими?! Бир йилдан бери қийналиб кетдим. Зора унинг онаси бизни тушунса-ю, мени ҳам, қизларини ҳам бир-биримиздан айирмаса, деб худодан илтижо қилиб сурайман.

ИСКАНДАР,
Жиззах.

У БИЛАН ХАЁЛАН СУҲБАТЛАШАМАН

Мен анчадан буён сеvimли газетамизга дилимдаги баъзи дардларимни ёзиш ниятида қўлимга қалам оламани, яна андишага бораман. Мен сиз ҳам ёздагилар тиқилиб ётгандир. Энди менинг бировдан маслаҳат сурайдиган жойим ҳам қолгани йўқ-ку, дея ўйлайман. Лекин 46-сонда босилган «Унинг тўйи тезроқ утсайди...» сарлавҳали хатни ўқиб муносбат билдирмай утолмадим.

Бундан 11 йил олдин 18 ёшимда узим билан содир бўлган воқеа куз олдимга келди-ю... Ҳа, бу қизни мен жуда яхши тушуниб турибман. Рухсат этсангиз энг аввало узим ҳақимдан бир-икки оғиз жойим ҳам қолгани билан юртини битириб бир қорхонада 6 ойча ишлаб бердик. Шу ерда ишлайдиган Анвар деган йигит мени ёқтиргани ва ўзимга совчилар юбормоқчи бўлганини эшитиб қолдим. Бундан хабар топган дўгонларимнинг баъзилари ҳаваси келса, баъзилари очикдан-очиқ гайрлиги келарди.

Сабаби — Анвар йигитларнинг ичида ўз одоби, андишаси, қилаётган ишлари, сузларидаги маъносини билан барчанинг ҳурматино қозongan эди.

Мени ҳаммадан ҳам 6 ой бир хонада ишлаб, ҳаттоки иккимиз ёлғиз қолганимизда ҳам баъзи йигитларга ухшаб «мен сизни севаман» ёки умуман шунга ухшаш маънода бирон сўз айтмагани лол қолдириб қўйди, унга бўлган ҳурматиини янада ошириб юборди. Биз қўл ушлашиб бог кезмадик. Севги шундай туйғуки, менимча у дилда, кузда бўлиши керак. У тилга чиқмиши, саробга айланади. Баъзи бир қизларимиз мени кечирсинлар, нахотки шунини тушуна олишмайди. Сузимни шу жойида қизларга бир гапим бор: «Қизлархон, ёдингизда тўтинг, ҳақиқий ошқ йигит, севдим деб ҳоҳ оғзаки, ҳоҳ ёзма бўлсин ошқор қилмайди».

Хуллас, Анвар томонидан совчилар

кетма-кет кела бошлади. Лекин ота-онам ўзгаришди, қолишди. Мен ҳам ёлғиз қизман. Мени қаттиққўллик билан тарбиялаган. Ота-онамдан шу даражада қўрқар эдимки мен учун уларнинг сузи-суз, гапи-гап эди. Совчиларга кетма-кет рад жавобини бериб юбора беришди. Ота-онамнинг «Узоқ қариндошимизнинг угли ҳарбий хизматдан келса, қизимизни фақат ушанга берамиз. Бошқа бировга тегадиган бўлса, қизимиз шундай чиқиб кетаверсин», — дейишганини ўз қўлогим билан эшитдим. Бу жавоб ҳар қандай совчини ҳам қучитиб юбориши ҳеч гап эмас.

«Ота-онаси норози бўлса, қизини қандай қилиб олиб берамиз», — деб йигитнинг уйдагилар ҳам қўнчишади. Бунини мен Анварнинг ўзидан эшитдим-му...

Гўш шу пайтгача дунёнинг энг баланд чўққисини забт этган эдим, у ер жуда гузал ва кенг эдики, сўз билан таърифлаш қийин... Э-ҳе... Лекин шу баландликдан назаримда шундай йиқилдимки, юрагим қай даражада совуқ увишиб кетгани едимда. Қоя жуда тик эди. Мен эса денгизга тушдим, сузишни билмасам-да, қирғоқ ахтариб кетдим. Лекин минг афсус ҳали ҳам қирғоққа етганим йўқ, Лекин сузишни ўрганиб олдим. Бу ҳаёт уммонида, не-не гирдоблар мени ўз бағрига тортиб кетмади.

Лекин улганим ҳам йўқ. Ушанда қизимга дунё гўгурт қўтисиди қуринар, қузининг ичига қўм тўлгандайин эди, гўш...

Тақдирни қарангки, анчадан кейин ота-онам кутган йигит ҳарбий хизматдан келди. Йигитга эса мен ёқмадим. Сабаби унинг бўйи меникидан анча паст эди. Энди ота-онамнинг аҳволини қўрсангиз эди. Чунки мен айтиш шунинг тўғайли қандай калтаклар ҳам еганман. Лекин енгил тортидим. Ота-онам не қўла тушганларини сездиришмас эди.

Энди ота-онамнинг мақсади битта эди. Мени кимга бўлса ҳам эрга бе-

риб юбориш. Шу сабабдан ким келса зулрайверишар эди. Менинг мақсадим эса умуман эрга тегмасдан утиш эди. Лекин буни ҳеч кимга тушунтира олмадим. Қўнига 2-3 бор келадиган совчилар мен учун янги-янги калтаклар эди. Орадан 2 йил ўтса ҳамки бировга қўнғил бериш у ёқда турсин, севганимга хивнат қилиб қўяётгандай учрашувга йиғлаб бориб келар эдим. Урмонга ут кетса, ҳулу қуруқ баробар ёнади, дегани шу экан. Сабаби, қанчадан-қанча яхши йигитларга ҳам йўқ деганим эсимда. Нега деганда, қўнғилимга ҳеч нарса сизмас эди. Бир кун ишдан келсам, онам кучада мени қўтиб турар эди. Авзойи бузилган, бир доғчи келган, анаву ерда— сени икки соатдан бери қўтиб утиришди. Узоқ танишимиз. У аёя ёмон йигитни бошлаб келмайди. Терсанг тег, тегмасанг бу ўй сenga бегона деди.

Мен шунда «Онажон, ахир йигитни бирров қўришим ва гаплашиб олишим керак-ку», десам, ўзимга бир тарсаки урди. Шу дақиқадан бошлаб ҳаётим хал бўлган эди. Энди менга барибир эди. Йигит ҳоласи билан бекатда турган экан. Бериб гаплашиб келиб, розилик бериб юбордим. Ота-онам айтганларидек қилдим.

Эримни ҳам эшитишимга қараганда ушанда зуллаган эмиш. Овсинларим қўпинча бу ҳақда айтишади. Тўққиз йиллик турмушимиз давомида эримнинг бирон ишга, касбу ҳунарга меҳру эътиқодини сезмадим. Қачон қараманг, бировдан қарз олишни яхши қўради. Энди ана шу қарзларни уйдаги баъзи жиҳозларни сотиб тулайман, деяпти. Сотинчи бошлаган ҳам. Одамларнинг эса «Эринг ландавур, бу билан биринг икки бўлмайди», — дейишлари мени эзиб ташлади.

Дунёнинг ишларини қарангки, табиатан турлича бўлганимиз камдек биздан фарзанд ҳам бўлмайди. Қуриқлардан утганимизда бунга ишга ҳосил қилдик. Қўнғимиз тўғри келмас экан.

Унга яқин ҳомилима туғилмай нобуд бўлди. Ҳозир ёшим 29 да. Соқларим эса оппоқ қордек оқарди. Айтишингиз мумкин, нега ажралиб кетмайсан деб? Тўққиз йил бирга яшаб қўнғил бера олмадим эримга, яна бошқа бировга қўнғил бера оларимдим. Йўқ...

Мен ҳамиша уша ёшлик — навқиронлик даврим билан яшайман. Бу дунёда мени суяб турадиган ҳам, тиргаб турадиган ҳам уша Анвар. Уни қўрмаганимга 10 йилдан ошди. Лекин унинг ҳаёлисиз на қайғуим, на хурсандчилигим утади. Дардларимни ҳаёлан унга соатлаб сузлаб бераман, енгил тортаман. Баъзилар вақт даволайди, дейишади. Фикримча вақт бутунлай даволамаса-да, анча енгиллаштиради. Энди синглим Д... бек қизига ўз фикримни баён этсам. Нахотки, шунчаки бир ёлгон севгига ўзингизни шунчалар топириб қўйдингиз? Сиз агар покиза қиз бўлсангиз мағрур бўлинг, андишалироқ йигит ҳали ўчаб қолар. Ўзингизни ўлдирман дебсиз. Э-ҳе ҳали бу ҳаётда шундоқ ҳам неча ўлиб, неча тирилишларга тўғри келар экан — шуларга тайёр бўлинг.

Мен билишимча, сиз ютқамадингиз, аксинча ютдингиз. Машинадаги уша бўлгуси хотинига қийин. Сиз ҳозирча унинг биргина хивнатиини қўрибсиз. Уша хотин бечорага келажакда шундай хивнатлардан нечачасини қилмайди. деб ким айтади. Бундайларда севги бор, деб нотўғри ўйламанг. Лекин сизга маслаҳатим қузингизга қўм тўлгани чоғ, дуч келган йигитга тегиб кетаверманг. Албатта ҳали яна кимнидир севиб қўлишингизга ишонаман. Фақат урмонга ут кетганда ҳулу қуруқ баробар ёнамсин, дейман...

О.

Тошкент шахри

СИЗ ТЎҒРИ ЙЎЛ ТУТГАНСИЗ

«Мен тўғри йўл тутдимми?» 41-сон
Инобатхон, сиз тўғри йўл тутгансиз. Мен ҳам бир вақтлар бир хоразмлик йигит билан севишган эдим. Онам раҳматлик Хоразмга, узоққа турмушга чиқишимга розилик бермаганлар. Кейин бошқача ўзатишди. Лекин, ҳеч қанча турмуш қилмай, битта болам билан ота-онам ўйларига қайтиб келдим. Шу шу бошқа турмуш қилмадим. Лекин, онам бечора ула-ўлғунларича, сени мен севганингдан айириб, бахтсиз қилдим, деб армон билан бу оламдан утиб кетдилар. Мана, 21 йилдан бери битта болам билан ёлғиз яшайман. Бу фикр мулоҳазаларимни ўқиган онангиз зора ўз хатоларини тушуниб етсалар, деган ниятдаман.

МУКАРРАМА,
Сирдарё

АФСУС ЧЕКМАНГ

Инобатхон ҳеч ҳам афсус чекиб, уксинманг.

Сиз хайрли ишга қўл урибсиз. Энди сизнинг олдингизда жуда масъулиятли вазифа икки севишган ёшга қийинчиликларга бардош бериб, ҳаётда ўз ўрнингизни топиб олишга қўмлашмоғингиз даркор бўлади. Онагинангизнинг гапларидан хафа бўлманг, ҳақиқатда, ақл кетади, дейишади. Вақти соати билан улар сизни албатта кечирадилар. Чунки она ўз фарзандидан кеча олмайди, бунинг учун юрак тошдан бўлиши керак. Оналар юраги эса меҳрга йўғрилган бўлади. Сизга сабр-бардош ёр бўлсин.

Амин, Когон

ИТ ИТАГИНИ ҚИЛАДИ

«ҚАЧОНГАЧА ТАЪБИМИЗ ХИРА БУЛАДИ» 40-сон
Мақола муаллифи долзарб муаммони кутариб чиққан. Одамлар оила аъзолари (болалари, қариялар бўлиши мумкин) билан дам олиш учун хивсон, бог қўчаларда гавдасидан инсон чўчидиган ваҳимали итларни қўриб таъби хира тортади. Бу ҳолат айниқса ёш болалар учун ҳаффи, чунки ит барибир

итагини қилиши мумкин.

Собир ҲАКИМОВ

«БАРДОШАН БУЛИНГ»

«КАЯСИ ТАРАФДАСИЗ ОДАМЛАР» 40-сон

